Ушбу сонда:

Мукаммаллик чегара билмайди
ёки Давра суҳбати нималарни кўрсатди?
3

ДАСТУРЛАР TV
5-6

“СОҲИБҚИРОН ҲАҚИҚАТНИ ЭШИТИШНИ ЯХШИ КЎРАРДИ...”
8



ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz oril@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 8-aprel, 14 (655)-son Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4-6 апрел кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмоҳан Сингх билан учрашувларида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича атрофлича фикр алмашди.***

***Музокараларнинг амалий натижаси ташриф давомида имзоланган 13 ҳужжатда ўз ифодасини топди.***

♦ *Матбуотда "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.*

♦ ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда банклар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Ўзбекистон Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этди.***

♦ *Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Савдо ва сармоялар бўйича Ўзбекистон-Германия ишчи гуруҳининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон савдо-саноат доиралари ҳамда Германия Федератив Республикасининг Шарқий ва Марказий Европа уюшмаси вакилларидан иборат делегация қатнашди.*

NAVRO'Z TANTANALARI DAVOM ETMOQDA

# ЭСКИСИНИ УЛОҚТИРИБ, ЯНГИСИНИ ЮТИБ ОЛ!



***Юртимизда Наврўз тантаналари давом этмоқда. Ушбу айём азалдан тинчлик, покланиш ва янгиланиш рамзи сифатида кенг нишонланиб келинган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Samsung Electronics компанияси ташаббуси билан ўтказилган ўзига хос спорт байрами ҳам миллий анъаналаримизга бўлган ҳурмат, юртимизда спортни ривожлантириш ва янада оммалаштириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг бир намунаси бўлди. Байрам тантаналари ва мукофотлаш маросимларида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов, унинг ўринбосарлари, соҳанинг нуфузли ташкилот, корхона ва ўқув юртлари раҳбар ходимлари иштирок этишди.***

**Аввало** шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбир жуда кўтаринки руҳда ўтди. Пойтахтимиздаги NBU стадиони шу куни соҳа ходимлари, талабалар ва бошқа меҳмонлар ихтиёрида бўлди. Мусобақа қатнашчилари ва томошабинлар карнай-сурнай наволари остида кутиб олиниб, барчага баҳорий таом — сумалак тарқатилди, таниқли хонандалар, цирк артистлари байрам руҳига ўзгача тароват бағишлашди.

Спорт мусобақаларида 70дан зиёд корхоналар, ташкилотлар, хорижий компанияларнинг Ўзбекистон ахборот технологиялари бозорида фаолият юритаётган ваколатхоналари вакиллари, Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбийлари ҳамда талабалардан иборат 200дан ортиқ спортчилар қатнашишди. Беллашувлар уч йўналиш — 100 метр ва 1000 метрга югуриш ҳамда мамлакатимиз тарихида илк бор уяли телефон аппаратларини узоқликка улоқтириш бўйича ўтказилди.

(Давоми 7-бетда.)

uzpak Бизнинг Интернет ҳамкоримиз

HAMKORLIK UFQLARI

# Рақамли ривожланиш ташаббуси: Якун ва натижалар

***Жадал суръатларда ривожланиб бораётган ахборот технологиялари турмушимизнинг фаровонлашувида, вақт ва захираларни тежашда, жамиятимизда юзага келувчи турли муаммоларни тез ҳамда аниқ ечишда қулай воситага айланмоқда. Ўтган ҳафтада Республика Миллий матбуот марказида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиб келаётган "Рақамли ривожланиш ташаббуси" (РРТ) Дастурининг якуни таҳлил қилиниб, янги йўналишдаги вазифалар муҳокама этилди. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Люкке Андерсен, РРТ Дастури раҳбари Шерзод Шерматов, соҳа мутахассислари, вазирликлар, қўмиталар, компаниялар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.***

**"Рақамли ривожланиш ташаббуси" Дастури** БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қўшма лойиҳаси ҳисобланиб, 2002 йилнинг октябр ойидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳукуматимиз томонидан ижро этувчи орган этиб белгиланган. РРТ Дастурининг бош мақсади бу — мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, унинг афзалликларидан фойдаланишни таъминлашдан иборат. Дастур ўз фаолияти доирасида давлат муассасалари раҳбарларининг ахборот технологиялари бўйича билимини ошириб, республиканинг электрон тайёргарлигини баҳолаб борди ҳамда ҳар йили мамлакатимизда АКТнинг ривожланиши бўйича лойиҳаларни амалиётга татбиқ этди. Шу билан бирга, Дастур АКТ бўйича қонунларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва амалга киритилишида фаол қатнашди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Асаджон Хўжаев ҳам РРТ Дастури доирасида ўтган қисқа муддат ичида амалга оширилган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

РРТ Дастури якуни бўйича Шерзод Шерматов маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, "Рақамли ривожланиш ташаббуси" Дастури бўйича тўрт йўналишда иш олиб борилган. Биринчидан, Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришда зарур бўлган қонуний базани яратишда маслаҳатлар бериш, қонун лойиҳалари бўйича давра суҳбатлари ўтказиш орқали ҳукуматга яқиндан кўмаклашиш. Иккинчидан, Ўзбекистонда АКТнинг ривожланишини ўрганиш, ушбу йўналишда мониторинг ўтказиб, холис баҳо бериш. Бунинг учун ҳар йили Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш ҳолати таҳлили юзасидан ҳисобот тайёрлаб борилди. Шунингдек, АКТ бўйича биринчи изоҳли луғат, Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари китоби ва бошқа нашрлар тайёрланди. Ушбу нашрлар ҳам китоб, ҳам онлайн, ҳам CD шаклида кенг оммага тақдим этилди.

Учинчи йўналиш бўйича кўплаб тренинглар, семинарлар ўтказилди. Ўтган вақт мобайнида Эстонияда тўрт гуруҳда давлат бошқаруви ходимлари ўқитилди. Шунингдек, хориждан мутахассислар таклиф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида вилоятлар раҳбар ходимларини ўқитиш йўлга қўйилди. Ушбу тренингларда Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри раҳбар ходимлари қатнашишди.

Яқинда эса ID-карточкаларини жорий қилиш тажрибасини ўрганиш учун Германия ва Молдовада ўқиш ташкил этилди. Ўқиш давомида Германиядаги



тараққий этган услуб, Молдовада эса бошланғич тажрибалар ўрганилди.

Сўнгги тўртинчи йўналишда Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ишига кўмаклашиш, RE.UZ илмий-маърифий портали, Gov.uz давлат портали, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш сайтининг (www.ICTCouncil.gov.uz) янги шаклини тайёрлаш, Сирдарё вилоятида электрон ҳукуматни жорий қилиш бўйича бошланғич лойиҳа каби қатор ишлар бажарилди. Ушбу мақсадларга 910 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланди. Молиялаштириш БМТнинг Тараққиёт Дастури томонидан амалга оширилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини аҳоли ўртасида тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Шунга алоҳида эътибор қаратган РРТ Дастури жамоаси Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телеканалида "Тараққиёт сари" деб номланган кўрсатув тайёрлашди. Кўрсатувда аҳолининг компютер саводхонлигини оширишга қаратилган оддий, тушунарли тилдаги лавҳалар, АКТ янгиликлари намойиш этилади. Ҳар кўрсатув давомида викторина ўтказилиб борилиши эса кўпчилик қизиқишини янада орттирди. Чунки викторина ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилиши режалаштирилган. Шунингдек, "Ўзбекистон" радиоканалида ҳам викторина шаклидаги "Тараққиёт" дастури бериб борилади.

Тадбир давомида йиғилганлар Дастурнинг бажарилиши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Албатта, кўпчиликни "Дастур кейинчалик ҳам давом эттириладимийўқми?", "Агар давом эттириладиган бўлса, унинг йўналиши қандай бўлади?" деган саволлар қизиқтирди.

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги номидан РРТ Дастуридан қониқиш ҳосил қилинганини таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди Асаджон Хўжаев. — Олдинда Сирдарё вилоятида қўлланаётган электрон ҳукумат ва ҳужжат алмашинуви тажрибасини мамлакатимиз бўйлаб кенг жорий қилиш каби муҳим вазифалар турибди. Бу борада амалга оширилаётган ишларда РРТ Дастурининг ўрни катталигини ҳисобга олсак, келгусида унинг давом эттирилиши зарур деб ҳисоблайман.

— Айни пайтда РРТ Дастури таҳлили ва янги лойиҳанинг концепцияси кўриб чиқилмоқда, — дея ўз фикрини билдирди Люкке Андерсен. – Агар натижалар ижобий баҳоланса, 2005—2009 йилларга мўлжалланган янги Дастур амалиётга киритилади. Бу лойиҳа шу вақтга қадар бажарилган вазифаларнинг мантиқий давоми бўлади. Албатта, янги Дастур концепциясини тайёрлашда сизнинг ҳам таклиф ва мулоҳазаларингизга таянамиз. Бугунги йиғилишимиздан асосий мақсад ҳам шундан иборат.

Шерзод Шерматов эса янги Дастурда қайси йўналишга кўпроқ эътибор қаратилишини айтиб ўтди. Тадбир иштирокчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шундан сўнг, "2004 йилда Ўзбекистонда АКТ ривожланиши таҳлили" бўйича РРТ Дастури йўналиши бошқарувчиси Умид Аъламов, "АКТни давлат бошқарувига жорий этиш" мавзусида Дастур миллий эксперти Михаил Елшов, АКТ бўйича изоҳли луғатнинг китоб ва CD шаклидаги тақдимоти юзасидан РРТ Дастури йўналиши бошқарувчиси Санжар Саидхўжаев ва Next Technology компанияси технологиялар бўйича директори Саид Абдунабиев, "АКТ соҳасида давлат муассасалари ходимларини ўқитиш бўйича ўқув модули" мавзусида Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи Илҳом Абдуллаевлар маъруза қилишди.

Тадбир якунида "infoCOM.UZ" журналининг таҳрир ҳайъати раиси Александр Сучков билим юртлари учун мўлжалланган АКТ соҳаси бўйича плакатларни намойиш қилди. Ушбу плакатларни кейинчалик яна чоп этиш ҳуқуқи Халқ таълими вазирлигига берилди. Шунингдек, Олий ва ўрта таълим вазирлигига АКТ бўйича изоҳли луғат ҳамда "Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари" китобини чоп этиш ҳуқуқи ҳам тақдим этилди.



Йиғилиш давомида шунга амин бўлдикки, РРТ Дастури орқали икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган. Асосийси, буни БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Ўзбекистон томони вакиллари қайд этишди. Албатта, камчилик ва нуқсонларнинг бўлганлигидан ҳам кўз юммаслик керак. Агар камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилса, кейинчалик имкониятлардан оқилона ва унумли фойдаланиш мумкин бўлади.

***Лутфилло ТУРСУНОВ***

TATUning 50 YILLIGI OLDIDAN

# Севимли даргоҳ

**Менинг** қадрдон университетим нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам энг нуфузли олий илм даргоҳларидан биридир. У Тошкент электротехника алоқа институти сифатида 1955 йилда ташкил топган. Шу йил 50 ёшини қаршилаётган бу нуфузли даргоҳ Президентимиз И.Каримовнинг 2002 йил, 30 майдаги «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ахборот технологиялари университетига айлантирилди.

Университет ўтган 50 йил ичида 21 мингдан ортиқ юқори малакали алоқа муҳандислари етказиб чиқардики, ҳозирги кунда уларни алоқа соҳасининг ҳар жабҳасида учратиш мумкин.

Жонажон масканим ҳақида юқоридагиларни ёзар эканман, шу даргоҳда ўқиганимдан, РРТ муҳандиси касбини танлаганимдан жуда тўлқинланиб кетдим.

Мактабни битириш арафасида она тилидан «Ким бўлсам экан?» мавзуида иншо ёзгандик. Мен келажакда Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)га ўқишга киришим, алоқачи-муҳандис бўлишим ҳақида баён қилдим. Иншони ўқиб кўрган кўп ўртоқларим, «Ким бўлар эдинг, монтёр ёки хат ташувчи бўласанда!», — дейишган эди. Энди эса уларга шуни айтишим мумкинки, мен бу ерда таълим олганимдан фахрланаман. Негаки, ушбу олийгоҳда ахборот технологияларини, сунъий йўлдош алоқасини, мобил алоқа тизимлари, тасвир ҳамда сигналларни узатиш, қабул қилиш ва алоқа соҳасининг бошқа нозик сирларини ўргандим. Ўқиш жараёнида профессорлар — Т.Ражабов, Х.Орипов, Х.Саламуллаев, С.Сангинов, Р.Усмонов, доцентлар — Н.Гултўраев, О.Абдуазизов, Х.Соатов, З.Раҳимжонова, Г.Туленова, Ш.Тожибоев ва бошқа малакали ўқитувчилардан таълим олдим. Ҳозирда эса ўзим шу даргоҳда илм толибларига таълим беряпман.

Сир эмаски, ҳозир ҳаётни телефон, телевидение, интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Алоқа ва ахборот технологиялари турмушимизда — тиббиёт, ҳарбий мақсадлар, милиция, авиация, хуллас, ҳар жабҳада керак ва зарур. Унга бўлган эътибор ҳам, эҳтиёж ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда қўшни давлат ёки қитъалар билан алоқа қилинмоқда, телевизор орқали репортажлар тўғридан-тўғри олиб кўрсатилмоқда, уяли телефон ва Интернет имкониятларидан эса таажжубланмай қўйдик. Ахборот технологияларининг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида ўйлар эканман, келажакда ушбу алоқалар янада ривожланишини орзу қиламан.

***Маҳбуба СУЛТОНОВА, ТАТУ "Радиоалоқа қурилмалари" кафедраси ўқитувчиси***

# Мукаммаллик чегара билмайди

## ёки Давра суҳбати нималарни кўрсатди?

***Бугун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдошли тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборот узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари ҳамда маҳсулотларининг ўзи кишидан бир дунё фикрлашни тақозо этади. Шунингдек, тобора илдамлашиб бораётган жаҳон ахборот технологиясидаги янгиликлар, ихтироларни тезроқ ўзлаштириш миллий кадрларимиздан жуда катта уқув, маҳорат, билим ва салоҳиятни талаб этаётир.***

**Ўзбекистон** алоқа тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш лойиҳасига мувофиқ Япония, Корея ва эндиликда Хитой Халқ Республикаси ва бошқа хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик вилоятимиз учун ҳам самарали бўлаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Биргина кунчиқар мамлакатнинг JBIC лойиҳаси асосида Андижонда 273 километр масофага оптик-толали кабел ётқизилди. Барча туман марказлари ва шаҳарлари оптик-толали кабел орқали вилоят маркази билан боғланганлиги алоқа хизмати сифатини кескин оширди.

"Андижон Телеком" филиалида истиқболнинг бошқа ташкилий йўналишлари бўйича ҳам изланиш бораётганлиги эътиборга лойиқдир. Ахборот-коммуникация технологияси ривожига, энг аввало, билимли, тиришқоқ ёш мутахассисларни жалб этиш, уларни тарбиялашга эътибор қаратилаётганлиги ҳам аслида келажакка заминдир. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган давлат сиёсатида бу масала катта аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, биз ислоҳотлар, бурч ва ташаббуслар ҳақида қанчалик гапирмайлик, муайян шахснинг ишга, янгиликка бўлган муносабати кўп нарсани ҳал қилади. Бунда, айниқса, интеллектуал куч тўла қобилиятини намойиш эта олгандагина умумий имкониятлар юзага чиқади, тараққиётга нисбатан ишонч уйғонади ва сафарбарлик пайдо бўлади.

Яқинда филиал мажлислар залига вилоятимиз корхона ва ташкилотларида хизмат қилаётган мутахассислар, ўқув юртларида ўқиётган иқтидорли ёшлар таклиф қилинди. Улар билан ўтказилган давра суҳбати шуни кўрсатдики, ахборот-коммуникация технологиясини ривожлантириш соҳасига ёшлар ўзларининг бутун куч-қувватларини бағишлашни хоҳлайдилар.

— Ҳозирги кунда молиявий масала ҳамма муаммони еча олади, деган фикр кўп тарқалган, — деди давра суҳбатида "Андижон" Интернет-кафеси оператори Жамила Сотволдиева. — Бу ерга келиб, ўз тенгқурларим ва тажрибали мутахассислар билан ўзаро фикр алмашганда, билдимки, бундай ўйлаш мутлақо хато экан. Айтайлик, корхона ёки ташкилот маблағ топиб, компютерлар тизимига ҳам эга бўлди. Лекин малакали дастур тузувчиси бўлмаса, зарур ахборот майдонини ташкил қила олмаса, ҳар қандай қимматбаҳо мулкнинг ўрни ўтмайди. Афсуски, вилоятимизда дастур тузувчиларнинг сони оз, малака жиҳатидан ҳам мақтагулик эмас. Ташқаридан мутахассис ёллаш ортиқча сарф-харажат дегани. Қолаверса, бу миллат савиясини ҳам англатади. Нима учун Тошкентдан ёки бошқа бир ердан мутахассис жалб этилиши керак? Орамизда қанча қобилиятли ёшлар бор. Бироқ, ҳар ким ҳар жойда ўз билганича иш олиб боряпти.

Жамилахон ҳақ гапни айтганди. Интернет тармоғига уланиш ва дунё ахборотидан фойдаланиш кечагина тушга ўхшаб кўринарди. Бугун эса ён қўшнимиз, маҳалламиз, қишлоғимизнинг эмас, балки миллионлаб километр олисдаги мамлакатларнинг янгиликларидан воқиф бўлиб турибмиз. Биргина Андижон вилоятининг ўзида юзлаб корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари, бошқарув идоралари Интернет тармоқларига уланган. Айниқса, бу жараённинг оммалашишида, компютер хизматларини такомиллаштиришда хусусий секторнинг роли ортиб бормоқда. Айни пайтда фаолият турлари бўйича лицензияланган Интернет-кафелар, Интернет-клуб ва Интернет-провайдерлар, компютер марказлари ва бошқа шаклдаги замонавий хизмат кўрсатиш манбаларига бўлган қизиқиш ҳамда эҳтиёж ошаётир.

— Буларнинг ҳаммаси вилоятимиз аҳлининг замон билан баробар қадам ташлашга, ахборот-коммуникация технологияси янгиликларига эҳтиёжини қондиришга бўлган интилиши ҳамдир, — деди давра суҳбатининг яна бир қатнашчиси, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиалининг янги техникалар бўйича бош мутахассиси Бахтиёржон Аҳмедов. — Миллий кадрлар орасида дастур лойиҳаларини танлаш ва ўзлаштиришда тажриба, малака етишмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу борада мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланаётган турли муассасалар бераётган сертификатларнинг қанчалик ишончлилиги ёки ишончсизлиги ҳам алоҳида бир масала. Шундай бўлгач, бу каби мутахассисларни кимлар тайёрлаб беради? Бунинг учун маблағ қаердан топилади? Булар қачон ҳал бўлади? Менимча, "Дастурчилар клуби" ёки "Дастур тузувчилар маслаҳат кенгаши"ни тузиб, унга ҳаммамиз бирлашишимиз лозим. Бу муносиб кадрлар муаммосини ечишда амалий қадам бўлади.

"Андижон Телеком" филиали компютер ҳисоблаш маркази бошлиғи Эркинжон Холбоев бу фикрни қувватлаб, миллий кадрларимиздан жуда катта умидлар кутилаётган ҳозирги шароитда ташаббус қуйидан бўлиши муҳимлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деди: — Вилоятда фаолият кўрсатаётган дастур тузувчилар, оператор ва мутахассисларнинг фан-техника тараққиёти йўлидаги изланишларига шароитлар яратиш, энг муҳими, касб-маҳоратларини ҳавас қиладиган даражага етказиш учун ҳам бирлашиш зарур. Айнан ўзбек дастурларидаги саёзлик устида кўплашиб ишлашимиз лозим. Ҳозир Ҳиндистон компютер дастурлари яратиш бўйича олдинга ўтиб кетди, шунинг ҳисобига дунё маблағи бу улкан мамлакатга оқиб келяпти. Биз улардан кам бўлишимиз керакми?

**Ҳозир Ҳиндистон компютер дастурлари яратиш бўйича олдинга ўтиб кетди, шунинг ҳисобига дунё маблағи бу улкан мамлакатга оқиб келяпти. Биз улардан кам бўлишимиз керакми?**

Юракдан отилиб чиққан бу сўзлар ўзгалар қалбининг ҳам туб-тубигача етиб борди. Эркинжон бошқаларнинг кўксида ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини алангалатиб юборганди.

Йигитлардан бири болаларнинг Интернет-кафеларда, компютер марказларида узоқ қолиб кетиши устидан назоратни кучайтириш зарурлигини айтди. Болаларнинг дарсдан қолиши, дарсларни ўзлаштира олмаслиги хавотирлидир. Монитор олдида меъёридан ортиқ бўлиш кўзга зарар етказади, соғлиққа ҳам зиёни бор. 14 ёшли ўсмир компютерда кунига узоғи билан бир соат ишлаши тавсия этилганини била туриб, айрим марказлар даромад илинжида бундай нуқсонга йўл қўйиб беришган.

— Кейинги авлод компютерларида ишончли ҳимоя ойналари бор, — деди "Андижон" Интернет кафеси бошлиғи Розия Отабекова. — Ўқув машғулотларимизга компютер ўргангани келаётган болаларнинг бири тез, бири нўноқлик билан ўзлаштиради. Демак, бола компютерга қанча эрта яқинлашса, шунча яхши.

Шу куни Интернет-кафени қандай очиш мумкин? Қандай қилиб Интернет провайдер эгаси бўлиш мумкин? Кабелли телевидениени қандай қилиб ташкил этса бўлади? — деган саволлар атрофида ҳам кўп мунозаралар бўлди.

Бундай саволларнинг пайдо бўлиши бежиз эмас, албатта. Лицензия олиш масаласи мураккаб ва машаққатли жараён деган фикрдагилар, афсуски, кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тоҳир Нуриддинов алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида лицензиялар олишдаги бирмунча соддалаштирилган тартиб-қоидалар ҳақида гапириб берди. Давлат божлари, солиқ тўловлари ва хизмат сифати масалаларида унга бир қанча саволлар берилди ва жавоблар олинди.

Давра суҳбатида вилоят миқёсида ҳал этса бўладиган муаммолар ҳақида ҳам гап борди. Масалан, электр токи таъминотидаги чеклашлар, баъзан эса уни огоҳлантиришсиз ўчириб қўйишлар мураккаб компютер жиҳозларининг эрта ишдан чиқишига, бундан эса мулк эгалари зарар кўриб қолиши мумкинлигига эътибор қаратилди.

Андижон вилояти ҳокимлиги ахборот таҳлил гуруҳи раҳбари Бахтиёр Асронқулов истеъдодли мутахассисларнинг бирлашиш ғоясини қўллаб-қувватлади ва ўртага ташланган муаммолар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Биз ёшларни ўзимизга чорлаб, сира адашмаган эканмиз, — деди "Андижон Телеком" филиали бош муҳандиси Бахтиёр Маниёзов. — Уларнинг компютер тармоқлари ривожланиши учун жон куйдириб мулоҳаза юритишлари, масалага оддий дастур тузувчи эмас, балки тармоқ маъмури сифатида ёндашишлари бизни ғурурлантиради. Демак, телекоммуникация технологиясининг эртанги тақдири ишончли қўлларда бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги ёшларимиз жаҳон ахборот маконининг ҳақиқий маъмурлари бўлишига шубҳа йўқ.

***Маҳмуджон ИБОЕВ***
***Андижон шаҳри***



# Метрода уяли алоқа

**2008 йилдан** лондонликлар шаҳар метросида мобил телефонлардан фойдалана бошлашади. Шаҳар мэри Кен Ливингстоуннинг маълум қилишича, метро станциялари ва ер ости йўлларига ўрнатилган узатгичлар уяли алоқа тизимини кафолатлаш билан бирга Интернетга симсиз уланиш имкониятларини ҳам яратади. Йўловчилар, шунингдек, рақамли радио тинглашлари мумкин.



Синов ишлари келгуси йилдан бошланади. Мобил алоқадан дастлаб метро станцияларида, кейинчалик ер ости йўллари, поездларда фойдаланиш мумкин бўлади.

Албатта, лондонликларни бу янгилик хушнуд қилиши турган гап. Бироқ лойиҳага қарши чиқувчилар ҳам топилди. Жумладан, мамлакатнинг либерал ва консерватив партиялари аъзолари янги алоқа тизимининг ишга тушиши террорчилик хуружларига кенг йўл очиб бермасмикан дея хавотирланишмоқда. Бу масала ўтган йилдан буён ҳукумат даражасида муҳокама қилинмоқда.

Йўловчиларга полиция ёхуд тезкор қутқарув хизмати билан бир зумда боғланиш имкониятининг яратилиши бундан кейинги воқеалар ривожи кўпроқ метро ва алоқа ходимлари фойдасига ўзгаришидан далолат бермоқда.

# Рақамли транкинг радиоалоқаси

***Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, ҳаётимизга тобора кириб бормоқда. Бугунда нафақат хат ва телефон, балки бошқа бир неча турдаги алоқа воситалари орқали ҳам мулоқот қилиш имкони мавжуд. Бунинг учун алоқа воситаларининг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда. Шулардан бири рақамли транкинг радиоалоқаоидир.***

**Радиоалоқанинг** транкинг тизими ҳаракатдаги УКВ радиоалоқаси радиал-зонали тизимидан иборат бўлиб, ретрансляторлар орқали абонентлар ўртасида алоқа каналларининг автоматик тақсимланишини амалга оширади. Гуруҳдаги абонентлар алоқаси фаол қўлланилишига кўра алоқа тармоғи манфаатлари билан чекланган (корпоратив) ва идорага оид (ведомственный) турларга бўлинади. Улардан жамоат хавфсизлиги хизматларида, транспорт ва энергетика компанияларида, турли жойлардаги ҳаракатда бўлган абонентларни бир-бири билан боғлашда ҳамда телефон тармоғидаги абонентлар билан алоқа ўрнатишда кенг фойдаланилади.

Ҳозирги кунда олдин яратилган радиоалоқанинг аналогли транкинг тизимлари — SmarTrunk, MPT 1327 протокол (ACCESSNET, ACTIONET ва бошқалар), Motorola фирмасининг Startsite, Smartnet, Smartzone ҳамда бошқаришнинг тақсимланган каналли тизимлари (E.F.Johnson Co фирмасининг LTR ва Multi-Net тизими ҳамда Uniden фирмасининг ESAS тизими) ишлатилиб келинмоқда.

Транкинг радиоалоқасининг рақамли стандартидаги жиҳозлари қимматлиги сабабли улардан фойдаланувчилар сони бизда кўпчиликни ташкил этмайди, аммо унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Унинг аналогли тизимдан устунлигини — сигнал модуляциясининг мураккаб тузилиши натижасида катта спектр самарадорликка эгалиги, алоқа тизимида сиғимнинг ортиши, халақитбардошли кодлар билан кодланган рақамли сигналларнинг қўлланилиши ҳисобига жойларда хизмат кўрсатувчи базали станцияларда сўзлашув алмашинуви сифатини мувофиқлаштириш имконияти мавжудлигида кўриш мумкин.

Бундан ташқари, рақамли транкинг тизими тезкорлигининг юқорилиги ундан бевосита алоқа режими – ҳаракатдаги абонентлар ўртасида (базали станцияни қўлламаган ҳолда), очиқ каналли (абонентларнинг белгиланган гуруҳи учун тармоқнинг частота ресурсларини ажратиш ва бириктириш) ҳамда авария, шунингдек, муҳим чақирув режимларида фойдаланиш учун қулайлик яратади.

***Баҳодир УМИРЗОҚОВ,***
***ТАТУ 4-босқич талабаси***

***Всемирный почтовый союз (ВПС) совместно с ЮНЕСКО проводят ежегодный международный молодежный конкурс эпистолярного жанра, учрежденный Токийским конгрессом ВПС в 1969 году. Его цель - развивать у молодых людей способность к сочинительству, тонко выражать свои мысли, а также способствовать укреплению дружественных связей между странами, что является одной их главных задач ВПС.***

# Международный молодежный конкурс эпистолярного жанра

**Республика Узбекистан** принимает участие в данном конкурсе с 2003 года.

Для конкурса в 2005 году выбрана тема - «Письмо моему любимому сказочному персонажу».

Данная тема выбрана Международным бюро ВПС по инициативе почты Дании. Тема связана с празднованием двухсотлетней годовщины со дня рождения датского писателя Ганса Христиана Андерсена, одного из самых известных сказочников мира всех времен.

Узбекское агентство связи и информатизации, Открытое акционерное общество «Узбекистон почтаси» совместно с Министерством народного образования Республики Узбекистан организовали проведение международного молодежного конкурса эпистолярного жанра по заданной теме среди школьников в возрасте до 15 лет. В республиканскую конкурсную комиссию поступило 32 сочинения победителей областных конкурсов.

Победителями же в республиканском конкурсе стали:

**Дюгай Марина** - первое место, поощрительный приз в 50 тысяч сумов и кляссер с марками (Ташкентская область, Куйичирчикский район, школа № 56, 6-й класс)

**Солиева Сайёра** – второе место, поощрительный приз в 30 тысяч сумов и кляссер с марками (Наманганская область, Туракурганский район, школа № 4, 8-й класс );

**Канбаева Жаркынай** - третье место, поощрительный приз в 20 тысяч сумов и кляссер с марками (Республика Каракалпакстан, Тахиаташский район, школа № 2, 9-й класс).

Церемония награждения призеров республиканского конкурса состоится в день празднования Всемирного дня почты 9 октября 2005 года в школах, где учатся победители. Их сочинения будут размещены на сайте ОАО «Узбекистон почтаси».

Сочинение Дюгай Марины, занявшей первое место, направлено в Международное бюро ВПС для участия в международном конкурсе.

В соответствии с условиями международного конкурса эпистолярных сочинений награждение победителей будет проводиться в Копенгагене (Дания) в сентябре 2005 года. Почта Дании обязалась финансировать дорожные расходы победителям конкурса для поездки в Данию на церемонию вручения премий.

Победителю и двум конкурсантам, занявшим второе и третье места, будут вручены отчеканенные по заказу Международного бюро медали (позолоченную – за первое место, серебряную – за второе, бронзовую – за третье). Еще четверо или пятеро лауреатов получат поощрительные призы. Каждый из семи или восьми лауреатов конкурса получит от Международного бюро альбом с почтовыми марками ВПС и диплом.

**ИНТЕРНЕТ-ДАЙДЖЕСТ**

## К Олимпиаде Москва станет зоной бесплатного интернета

**Мэр Москвы** Юрий Лужков поставил перед своими подчиненными задачу обеспечения бесплатным WiFi-доступом всех районов столицы, в которых будут расположены олимпийские объекты, а заодно и всего центра города в пределах Садового кольца. Предполагается, что эта мера станет решающим аргументом для Международного Олимпийского Комитета при выборе столицы грядущих Олимпийских игр.

Идея, высказанная на заседании Мосгордумы, настолько понравилась московскому градоначальнику, что соответствующее распоряжение было тут же подписано. В ближайшие месяцы будут подготовлены все необходимые технические документы и уже грядущей осенью проект начнет воплощаться на практике.

## Американцы предпочитают платить налоги через интернет

**Примерно** треть американских налогоплательщиков собирается в этом году заполнить электронную декларацию о доходах. В минувшем году таких было лишь 28 процентов.

Эти данные, как сообщает CNET, были собраны компаниями TNS и Conference Board и опубликованы в отчете Consumer Internet Barometer («Потребительский интернет-барометр»). По словам директора по исследованию потребительских предпочтений Conference Board Линна Франко (Lynn Franco), в последнее время отмечается быстрый рост количества налогоплательщиков, предпочитающих рассчитываться с государством через интернет.

Главную роль в этом процессе, как и следовало ожидать, сыграла доступность и простота использования интернета, наличие на рынке программного обеспечения, позволяющего быстро рассчитывать сумму причитающейся государству доли, и возможность быстро уплатить положенную сумму прямо в Сети.

# Сообщение о существенном факте ОАО «TOShUYJOYLOYIHA»

*Порядковый номер сообщения* – **09**

*Вид общего собрания* – **годовое**

*Форма проведения общего собрания акционеров* – **очное.**

*Дата проведения общего собрания* – **01.04.05г.**

*Место проведения общего собрания* – **г.Ташкент, ул. М.Якубовой 43, институт «TOSHUYJOYLOYIHA».**

*Кворум общего собрания* – **98,48%**

***Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:***

| № | Вопросы, поставленные на голосование | Итоги голосования | | |
|---|---|---|---|---|
| | | За | Против | Возерж. |
| 1 | Утвердить отчет председателя правления о финансово-хозяйственной деятельности Общества за 2004г. | 230337 | нет | нет |
| 2 | Утвердить отчет и заключение Ревизионной комиссии | 230337 | нет | нет |
| 3 | Утвердить заключение аудитора Общества по итогам 2004г. | 230337 | нет | нет |
| 4 | Утвердить отчет о деятельности Наблюдательного совета и принятые им решения за 2004г. | 230337 | нет | нет |
| 5 | Утвердить бухгалтерский баланс и счет прибылей и убытков Общества за 2004г. | 230337 | нет | нет |
| 6 | Избрать председателя правления и заключить с ним трудовой договор. | 230337 | нет | нет |
| 7 | Утвердить порядок распределения прибыли Общества по итогам 2004г. | 230337 | нет | нет |
| 8 | Утвердить бизнес-план и смету доходов-расходов Общества на 2005г. | 230337 | нет | нет |
| 9 | Продлить полномочия существующего состава Наблюдательного совета Общества на один год. | 230337 | нет | нет |
| 10 | Повторно избрать Ревизионную комиссию Общества. | 230337 | нет | нет |
| 11 | Утвердить аудиторскую фирму « ORIENTAL-AUDIT» - аудитором Общества на 2005г.и максимальный размер оплаты ее услуг. | 230337 | нет | нет |
| 12 | Утвердить сумму вознаграждения членам Наблюдательного совета по результатам 2004г. | 230337 | нет | нет |

***Полные формулировки решений , принятых общим собранием:***

1. Утвердить отчет председателя правления о финансово-хозяйственной деятельности Общества за 2004г.
2. Утвердить отчет и заключение Ревизионной комиссии.
3. Утвердить заключение аудитора Общества по итогам 2004г.
4. Утвердить отчет о деятельности Наблюдательного совета и принятых им решениях за 2004г.
5. Утвердить бухгалтерский баланс и счет прибыли и убытков Общества за 2004г.
6. Избрать Рашидходжаева А.А. председателем правления и заключить с ним трудовой договор.
7. Утвердить порядок распределения прибыли Общества по итогам 2004г.
8. Утвердить бизнес-план и смету доходов-расходов Общества на 2005г.
9. Продлить полномочия существующего состава Наблюдательного совета Общества на один год.
10. Повторно избрать Ревизионную комиссию Общества в том же составе.
11. Утвердить аудиторскую организацию - АФ «ORIENTAL-AUDIT» - аудитором Общества на 2005г. и максимальный размер оплаты ее услуг.
12. Утвердить сумму вознаграждения членам Наблюдательного совета по результатам 2004г.

Дата составления протокола Общего собрания акционеров – 07.04.05г.

**Сообщение о существенном факте ОАО «TOShUYJOYLOYIHA»**

*Порядковый номер сообщения* – ***10***

1) Орган управления эмитента, в котором произошли изменения – <u>исполнительный орган</u> - **<u>правление.</u>**

Фамилия, имя, отчество лиц, избранных (назначенных) в орган управления:

1. **Рашидходжаев А.А.** – *председатель правления*
2. **Абдувасиков А.Х.** – *главный инженер*
3. **Идрисов Р.Р.** – *заместитель председателя*
4. **Верейкина Н.Г.** – *главный бухгалтер*

Фамилия, имя, отчество лиц, полномочия которых прекращены :

1. **Рашидходжаев А.А.** – *И.О. председателя правления*
2. **Абдувасиков А.Х.** – *главный инженер*
3. **Идрисов Р.Р.** – *заместитель председателя*
4. **Верейкина Н.Г.** – *главный бухгалтер*

Доля участия в уставном фонде эмитента лица, которое лично является акционером эмитента:

1. **Идрисов Р.Р. – 0,09 %**
2. **Верейкина Н.Г. – 0,08%**

Дата, в которой произошли указанные изменения: **01.04.05г.**

Уполномоченный орган эмитента, принявший решение , являющееся основанием указанных изменений, и дата его принятия – **Общее собрание акционеров ( протокол заседания от 01.04.05г.).**

**Годовой отчет ОАО «TOShUYJOYLOYIHA» за 2004 год**

**Балансовый отчет:**

| Наименование показателей | 2004 г. (т.с.) |
|---|---|
| **Актив** | |
| 1.Остаточная стоимость основных средств | 223118 |
| 2.Остаточная стоимость нематериальных активов | 2406 |
| 3.Производственные запасы | 3806 |
| 4.Дебиторы | 15422 |
| 5.Денежные средства | 21972 |
| 6.Прочие активы | 1285 |
| **Всего по активу баланса** | **268009** |
| **Пассив** | |
| 1.Уставный капитал | 237838 |
| 2.Резервный капитал | 2625 |
| 3.Кредиторская задолженность | 22778 |
| 4.Нераспределенная прибыль | 4768 |
| **Всего по пассиву баланса** | **268009** |

**<u>Финансовый результат (т.сум) :</u>**

*Выручка от реализации* – ***185949,5***

*Себестоимость реализованной продукции* – ***94990***

*Валовая прибыль от реализации* – ***60094***

*Расходы периода* – ***63894***

*Прочие доходы* - ***15530***

*Прибыль до уплаты налогов* – ***11855***

*Налоги и сборы* - ***7648***

*Чистая прибыль* – ***4207***

***Достоверность финансовых результатов подтверждена аудиторской фирмой «ORIENTAL-AUDIT» (лицензия МФ Р.Уз №00182 от 04.09.2001г.).***

**Список аффилированных лиц ОАО «TOSHUYJOYLOYIHA»:**

***Юридические лица:***

DAWSON HOLDINGS LLC – 73730 голосующих акций (31% )

ASIAN INVESTMENT LLC – 72540 голосующих акций (30,5%)

ENDEVOUR LLC – 80865 голосующих акций ( 34% )

**Члены Наблюдательного совета:**

**Сапаев Б.М.**(442 акций -0,19%), **Юнусходжаев М.С., Туляганов Ф.А., Бобрик Р., Ашуров А.,**– голосующих акций нет.

**Члены исполнительного органа:**

**Рашидходжаев А.А.**(акций не имеет), **Идрисов Р.Р.**(акций 225 шт. -0,09%), **Абдувасиков А.Х.**(акций не имеет), **Верейкина Н.Г.**(акций 200 шт. -0,08%).

DIL IZHORI

# Отамнинг армонлари

*Ассалому алайкум "Xabar" газетаси таҳририяти ходимлари!*

*Менинг исмим Собир. Ёшим йигирмада. Навоий вилояти, Навбаҳор тумани Кескантерак қишлоғида туғилганман. Болалигимдан санъатга қизиқишим кучлилиги сабабли актёр бўлишни орзу қилардим. Еттинчи синфдан бошлаб, мактабда бўладиган тадбирларда узлуксиз қатнашардим. Ўқитувчиларим ҳам менга Тошкент маданият институтига ўқишга боришимни маслаҳат беришарди. Буни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлашар эди.*

*Биз ўша вақтларда Зафаробод қўрғонида турардик. Отам шу қўрғондаги алоқа корхонасида ишлардилар. Ўз касбларини жуда ҳам яхши кўрадилар. Дадам соҳаси бўйича махсус маълумотга эга бўлмаса-да, ўз касбининг устаси, деб бемалол айта оламан. Бу билан отасини кўп мақтаб юборяпти деган ўйга асло борманг. Мен отамнинг ишхонасида бўлганимда бир нарсадан ўксинаман. Эндигина университетни ёки коллежни тугатиб келган ёшларнинг отамга нисбатан бўлган муносабатини кўриб, тўғриси юрагим ачишиб кетар эди. Уларнинг биргина айби — ўқимаганликлари. Онамнинг айтишларига қараганда, отам туғилганларидаёқ оналаридан ажралган. Бобом эса бошқа аёлга уйлангач, ўгай она қўлида қолган. Қийинчилик билан ўрта мактабни тугатиб, ўша вақтдаги Тошкент алоқа политехникумига ўқишга келиб, киролмай қайтиб кетган. Шу-шу дадамга алоқа соҳасида ўқиш армон бўлиб қолган экан.*

*Отам ҳар доим "Катта ўғлимни алоқа соҳасида ўқитаман" дея, ният қилиб юрарканлар. Тўғриси, бу гаплардан хабарим йўқ эди. Онамдан ушбу сўзларни эшитгандан сўнг отамнинг армонларини албатта рўёбга чиқаришга, шу соҳани мукаммал эгаллашга аҳд қилдим.*

*Дадамнинг "Қизиқмаган касбингга ўқишга борма" деганларига қарамай, астойдил тайёрланиб, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежига ўқишга кирдим. Худо хоҳласа, алоқа коллежини тугатиб, Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқийман. Отамнинг армонлари ушалишига ҳаракат қиламан.*

**Собир БАҚОЕВ,**
**Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг II-босқич талабаси**

NAVRO'Z TANTANALARI DAVOM ETMOQDA

# Эскисини улоқтириб, янгисини ютиб ол!







*(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)*

Дастлаб 100 метрга югуриш бўйича қизлар ўртасидаги мусобақаларга старт берилди. Мазкур беллашувларга пухта тайёргарлик билан ташриф буюрган Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи талабалари яққол устунликка эришишди ва совринли ўринларни бўлиб олишди:

1-ўрин — Ирина Захарова (15 сония);
2-ўрин — Флюра Зияева (15,5 сония);
3-ўрин — Олга Василева (15,5 сония).





Ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ҳам коллеж талабалари ғолибликка асосий даъвогарлардан бўлишди. Омад эса 100 метрлик масофани 12,4 сонияда босиб ўтган Тошкент ахборот технологиялари университетининг 2-босқич талабаси Евгений Солодга кулиб боқди. 2-3-ўринларни алоқа коллежи талабалари — Рустам Усмонов ва Антон Костилевлар банд этишди.

— Енгил атлетика билан мунтазам шуғулланиб келаман, — дейди биз билан суҳбатда ТАТУ телекоммуникациялар факултети талабаси Евгений Солод. — Шу боис иложи борича бундай мусобақалардан четда қолмасликка ҳаракат қиламан. Ташкилотчиларга эса тадбирни ўтказиш учун барча қулайликларга эга ўйингоҳни танлашгани ҳамда спортчиларни муносиб рағбатлантиришгани учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

1000 метрга югуриш баҳслари ўсмирлар ўртасида ўтказилди ва унда ҳам алоқа коллежи ва ТАТУ талабалари ўзларини кўрсатишди:

1-ўрин — Вячеслав Горн (2 дақиқа, 30,2 сония, Алоқа коллежи);

2-ўрин — Алберт Ҳасанов (2 дақиқа, 37 сония, ТАТУ);

3-ўрин — Максим Кочетов (2 дақиқа, 38 сония, Алоқа коллежи).



Енгил атлетика мусобақалари ғолибларига дипломлар ва тадбир ҳомийси — Samsung Electronics компанияси томонидан ишлаб чиқарилган чангютгичлар, телефон аппаратлари, футболкалар ва бошқа совғалар топширилди.

Асосий эътибор, шубҳасиз, "Эскини улоқтир ва янгисини ютиб ол!" шиори остида ўтган уяли телефон аппаратларини улоқтириш баҳсларига қаратилди. Бундай мусобақа илк бор ўтказилаётганлиги муносабати билан қатъий қоидалар белгиланмаганди. Масалан, иштирокчиларнинг ёши чекланмаганди, шунингдек, улоқтириш учун турли русумдаги эски авлодга мансуб мобил алоқа воситаларидан фойдаланилди. Ҳатто ўзларининг янги телефон аппаратларини улоқтирувчилар ҳам топилди. Ҳар бир қатнашчига икки бор имкониятини синаб кўриш ҳуқуқи берилди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда ТАТУ "Жисмоний тарбия ва спорт" кафедраси ўқитувчиси Елена Дечкова 40,18 метрлик натижа (ундан кейинги совриндор билан ўртадаги фарқ роппа-роса 10,32 метр!) билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи талабаси Динара Юнусметова ва ТАТУ қошидаги Академик лицей талабаси Оля Циганенко кейинги ўринларни эгаллашди.



Айни дамда мухлислар уяли телефон улоқтириш бўйича Ўзбекистоннинг биринчи рекордчисини аниқлаб бериши зарур бўлган эркаклар ўртасидаги баҳслар якунига етишини ҳаяжон ва интиқлик билан кутишарди. Чунки ғолибликка даъвогар иштирокчилар сони кўплигидан мусобақа давомийлиги узайганди. "Sharq Telekom" вакили Азиз Шокиров қайд этган натижа — 63,29 метрлик кўрсаткич деярли баҳслар якунига қадар ўзгаришсиз қолаверди. Фақат "Micros" компаниясининг савдо ишлари бўйича менежери Владислав Ахаевнинг бу борада омади чопди. У 64,96 метрлик натижа билан Ўзбекистоннинг биринчи рекордини ўрнатди. Учинчи ўрин эса Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакили — Илҳом Абдуллаевга насиб этди (59,03 метр).



— Очиғи, ғолиб бўлишимни кутмагандим, — дейди Владислав Ахаев. — Чунки ғолибликка даъвогар шунча қатнашчи орасида биринчи бўлишнинг ўзи бўлмайди. Эски Samsung телефон аппаратини улоқтириб, адашмаган эканман — янгисига эга бўлдим.

Дарҳақиқат, байрам тадбирининг якунида уяли телефон улоқтириш беллашувлари ғолиб ва совриндорларига мусобақа ҳомийсининг мукофотлари — сўнгги русумдаги мобил алоқа воситалари ва телефон



аппаратлари топширилди. Шунингдек, "Энг ёши улуғ қатнашчи" номинациясига лойиқ деб топилган Агентликнинг бош юридик маслаҳатчиси Бердиёр Жабборовга Samsung компаниясининг махсус соврини топширилди.

**Собит АҲАДОВ,**
**«Xabar» мухбири**

***Суратларда: спорт байрамидан лавҳалар.***
***Лутфилло ТУРСУНОВ олган суратлар.***

## Mavzu doirasida

*Ҳар йили уяли телефон улоқтириш бўйича жаҳон чемпионати* ***Финляндия****нинг Савонлинна шаҳрида ўтказилиб келинади. Охирги марта, яъни 2004 йилги 5-жаҳон чемпионатида қайд этилган рекорд – 82,75 метрлик кўрсаткич фин* ***Вилле Пииппо*** *томонидан ўрнатилган.*

*Албатта, ҳар қандай мусобақаларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Масалан, Финляндияда ўтказиладиган мусобақаларда фақат Скандинавиянинг ўзида тайёрланган телефон аппаратлари – Nokia ва Ericssonлардан фойдаланилади. Беллашувларнинг якка тартибдаги, жамоавий ва ўсмирлар ўртасидаги турлари бор. Энг қизиғи, чемпионлик унвони узоққа улоқтирганлар билан бирга энг чиройли улоқтирганларга ҳам берилади.*

*Болалар ўртасидаги энг яхши кўрсаткич 45,51 метрлик натижага эришган финляндиялик 12 ёшли* ***Сантту Пурисиайнен****га тегишли.*

***

***Киевлик*** *41 ёшли* ***Олег Швец*** *UMS уяли алоқа оператори ўтказган беллашувларда Бутунукраина рекордини ўрнатган. У улоқтирган Motorola Startack телефон аппарати 93 метр узоқликка бориб тушган ва бинойидай ишлашда давом этган.*

*Швец келгуси чемпионатда 120 метрлик кўрсаткичга эришмоқчи.*

***

***Германия****да ўтказилган чемпионатда 67,5 метрлик,* ***Буюк Британия****да эса 46 метрлик натижаларга эришилган.*

## 9-APREL – BUYUK BOBOKALONIMIZ AMIR TEMUR TUG'ILGAN KUN

*Амир Темур бин Тарағай Баҳодир (1336—1405) ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи давр 1360—1386 йилларни ўз ичига олади. Амир Темур бу даврда Мовароуннаҳрда Мўғул хонлигидан мустақил, кучли, марказлашган давлат тузиш йўлида курашди. Ўзбошимча феодалларга, марказлашиш ва бирлашишга зид ҳаракатларга, мамлакатни парчаланган ҳолатда сақлашга интилувчиларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши кураш олиб борди. Темур фаолиятининг иккинчи даври 1386 йилдан бошланиб, 1402 йилгача давом этган. Бу давр, Шарафуддин Али Яздий таъбири билан айтганда, унинг уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик деб аталувчи ҳарбий юришлари билан характерланади.*



# "СОҲИБҚИРОН ҲАҚИҚАТНИ ЭШИТИШНИ ЯХШИ КЎРАРДИ..."

**Соҳибқирон** ўз фаолиятининг биринчи даврида барча ҳаракатини Мовароуннаҳрда ҳалокатга юз тутган Чиғатой улуси ўрнига бирлашган, марказлашган мустақил давлат тузишга қаратди.

Мовароуннаҳрда ҳокимиятни ўз қўлига олгач, Амир Темурнинг дастлабки тадбирларидан бири режали равишда қурултойлар ўтказиш бўлди. У бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдонлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ қарор қабул қилар эди. Олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўларди.

Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги одамлар билан суҳбатлар ўтказарди. Бу суҳбатларда ҳаётнинг муҳим масалалари тўғрисида ва подшоҳликка оид ишлар ҳақида гап борарди.

Буюк бобокалонимизнинг давлатни бошқариш тизими ҳам қизиқарлидир. Бош бошқарма (канцелярия) — Девони бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма ҳам бор эди. Девон барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, ирригация тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланарди. Ҳар бир Девонда кирим ва чиқимларни ҳисобга олиш дафтарлари бўлган. Дафтарда кирим ва чиқимни қайд этиш турк-ўзбек ва форс-тожик тилларида олиб борилган.

Амир Темур давлатнинг обрўси, шарафи, манфаати борасида ғоят қаттиққўл эди: у бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва невараларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларни ҳам аямас эди. У давлат ишларида ғоят мустаҳкам, барқарор турарди.

Бундан ташқари, Темурнинг солиқлар ҳақидаги қоидаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. У ёзади: "Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг беқувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади.

Ҳар бир ўлкада учтадан вазир тайинладим. Биринчиси халқ учун эди. У фуқаро тўлайдиган солиқлар бўйича аниқ ва тўғри ҳисоб олиб борарди. Менга йиғилган солиқларнинг микдори, қайси йўл ва қоидага асосан тўланганлигини етказиб турарди. Иккинчи вазир аскарлар учун эди. Учинчи вазир сафарга кетган кишиларнинг мол-мулкини, эгасиз ётган ерларни назорат қиларди."

Темурнинг характери ва хулқ-атвори ҳақида унинг замондошлари кўп маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Таниқли тарихчи Аҳмад бин Муҳаммад бин Арабшоҳ қуйидагича ёзади:

"Амир Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди, пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмасди, оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди. Қарашлари ёқимли эди. Ўлимни писанд қилмасди. Ёлғон-яшиқ, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-тарожлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди. У, ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсунишга мажбур эта биларди".

Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темур: "Белда камар ва тилда сано", яъни иш ва сўз бир бўлсин, дейишни хуш кўрар эди. Шунингдек, у инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди.

Амир Темур кун бўйи бўлган жанглардан чарчаб, тўшакда ётганда, унинг чодирига қўл-оёқлари боғланган Боязидни олиб келишади. Кутилмаганда Боязидни кўриб ҳаяжонга тушган ғолиб Темур ўзини кўз ёшидан тутиб қололмайди. Боязиднинг олдига пешвоз чиқиб, уни кишандан бўшатишларини буюради ва қабулхонасига олиб киради.

Шунда Темур ўз маҳбусини ёнига ўтиргизиб, унга дейди: "Боязид! Бахтсизлигингиз учун ўзингизни айбланг: бу — ўзингиз эккан дарахтнинг тиканлари. Мен сизнинг олдингизга енгилгина шарт қўйган эдим. Сизнинг рад жавобингиз мени сизга қарши ўзим ҳеч ҳам хоҳламаган ҳаракатни қилишга мажбур этди. Мен сизга зарар келтиришни истамагандимгина эмас, балки сизнинг душманларингизга қарши урушишингизга ёрдам беришни ҳам ният қилган эдим. Ўжарлигингиз ҳамма ишни йўққа чиқарди. Аттанг! Агар ютуқ сиз томонда бўлганда эди, менга ва қўшинимга қандай муомала қилишингизни биламан. Шундай бўлса ҳам, хотиржам бўлиб, кўнглингиздаги даҳшатни чиқариб ташланг. Мен ҳаётингизни сақлаб қолиш билан ўз ғалабам учун фалакка таҳсин-ташаккур айтмоқчиман". Шу сўзлардан сўнг у ўз қароргоҳи олдидан Боязидга чодир қуриб беришларини буюрди ва ўзининг машҳур маҳбусига иззат-ҳурматни бажо келтирди.

Амир Темур учун дўстликнинг ҳам гашти-латофати бор эди. Меҳрибонлиги, ширинсуханлиги туфайли дўстлар орттирди, уларни дўст деб аташдан тортинмади ва бу дўстликни сақлаб келди. Чунки у дўстлик фақат яхшилик билан қайтарилишини билар эди. Унинг Мир Саййид Баракага катта ихлос қўйгани, бу муборак зотнинг вафотини эшитиб, кўз ёши тўкиши — қудратли султон табиатига хос бўлган ажойиб хислатлар эди.

***"Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" рисоласидан олинди***

## Донолар бисотидан

*Қўл ювиб юрсанг, нима қилишингни биласан,*
*Тил тийиб юрсанг, нима дейишингни биласан.*

А.НАВОИЙ

*Беш нарса шаҳарни безайди: ғолиб ҳоким, одил қози, обод бозор, моҳир шифокор ва азим дарё.*

Абул ФАРОЖ

*Шарм-ҳаёдан яхшироқ безак йўқ.*

СУҚРОТ

*Маҳтумқули, ҳаргиз топмади омон,*
*Ёмон тилнинг заҳри тиғлардан ёмон.*
*Ёмон тил ёнида заҳри кўп илон,*
*Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.*

МАҲТУМҚУЛИ

*Бўшамаса тил ғийбатдан,*
*Бўшамайди дил уқубатдан.*

Фаридиддин АТТОР

*Камхўралик ҳамма дардга даводир,*
*Аслда дардга парҳездан шифодир.*

Бадриддин ҲИЛОЛИЙ

*Борга қаноат қил ва обод яша*
*Ғам бандидан халос ва озод яша.*

Абу Абдулло РУДАКИЙ

*Яхшидир кетмасдан ушбу жаҳондан*
*Ақлинг халос бўлса ҳар пушаймондан.*

Абу Али ибн СИНО

## Дўстлик ҳақида

**Дўст дўстга жонини қилади қалқон,**
**Дўстдан ҳам яхшироқ борми ҳеч инсон.**

Абу Шукур БАЛХИЙ

**Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ ҳеч нарса йўқ. Умрдан дўстликни ўчириб ташлаш дунёни қуёш нуридан маҳрум этиш билан баробар.**

ЦИЦЕРОН

**Инсон ҳаётидаги энг ноёб нарса унинг ўзгалар билан дўстлигидир.**

А.ЛИНКОЛН

**Дўст шундай кишики, мен у билан самимий бўла оламан. Унинг олдида очиқ фикрлашим мумкин.**

Р.ЭМЕРСОН



***Баҳорда ҳам қор ёғди... Во, ажаб?!***

*Абдуманнон АҲМЕДОВ олган сурат. Қўқон шаҳри*

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Андижон Телеком" филиали жамоаси филиал ходими Раҳмонжон Узоқовга онаси

**ХАЙРИНИСО ҳожи аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

"Xabar" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Андижон вилояти бўйича жамоатчи мухбири Раҳмонжон Узоқовга онаси

**ХАЙРИНИСО ҳожи аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — ❶.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** orif@infonet.uz.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

358-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 7615 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.